

ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ИЖТИМОЙ ЖИХАТДАН ХАВФЛИ АХВОЛДА БЎЛГАН ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР БИЛАН ИШЛАШДАГИ ФАОЛИЯТИ

*Махмудов Жамшидбек Хасанбой ўгли
Ўзбекистон Республикаси ИИБ
Академияси 310 гуруҳ курсанти*

АНОТАЦИЯ

Ушбу мақола орқали муаллиф профилактика инспекторининг ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганлар билан ишлаш ўзига хослигини кўрсатиб, вояга етмаганларни ҳуқуқлари ва мажбурятлари кўрсатиб ўтилган қонун ҳужжатларини, ижтимоий жиҳатдан хавфли бўлган вояга етмаганлар тарбиясига оид адабиётларда келтирилган фикрларни баён этган.

Калит сўзлар: Ҳуқуқбузарлик, ҳуқуқбузарликлар профиликтикаси, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳвол, алимент, криминологик тадқиқот.

АННОТАЦИЯ

Посредством данной статьи автор показывает специфику работы инспектора по профилактике с общественно опасными несовершеннолетними, правовые документы, конкретизирующие права и обязанности несовершеннолетних, и литературу по воспитанию социально опасных несовершеннолетних, в которых изложены вышеизложенные идеи.

Ключевые слова: Правонарушение, профилактика правонарушений, общественно опасная ситуация, алименты, криминологическое исследование

ANNOTATION

Through this article, the author shows the specificity of the prevention inspector's work with socially dangerous minors, the legal documents that specify the rights and obligations of minors, and the literature on the upbringing of socially dangerous minors. stated the above ideas.

Key words: Delinquency, delinquency prevention, socially dangerous situation, alimony, criminological research

Ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва жамият тараққиётининг ривожини ўсиб келаётган авлоднинг таълим ва тарбия даражасига боғлиқдир. Бунга эришиш учун эса аввало жамият аъзоларининг сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий савиясини ўстириш керак. Ҳар бир фуқаро, ҳар бир инсон ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билиши ва ҳимоя қила олиши зарур. Замон талабларидан келиб чиққан ҳолда

фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти, онги ва билимларини янада ошириш асосий вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев “Ўсиб келаётган авлодни бузғунчи ғоялардан ҳимоя қилишга, ёшлар жиноий фаолиятга, авваламбор, терроризм ва диний экстремизмга жалб этилишининг олдини олишга етарлича эътибор қаратилмаяпти, ички ишлар органларининг тарбиявий ўрни сезилмаяпти¹

Ҳар қандай мамлакат ўз келажагини болалар, вояга етмаган ёшлар тимсолида, аниқроғи уларни жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол қилиб вояга етказишда кўриши табиийдир. Шу сабабли, болалар ва ёшларнинг баркамол инсон бўлиб, улғайиши давлат сиёсати даражаси муҳим масала ҳисобланади.

Оилада содир этиладиган жиноятлар ўзига хос сабабларга эга эканлиги билан бошқа жиноятлардан ажралиб туради. Ҳар қандай жиноят ва ҳуқуқбузарликнинг вужудга келишида бевосита оиладаги муҳитнинг таъсири муҳим аҳамият касб этади. Холбуки, оилада шахснинг маънавияти, дунёқараши, онги, тасавури, инсоний қадриятлари ва унинг ҳатти-ҳаракатларининг мотивацияси шаклланади.

Маълумки, жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари ва унга олиб келган шарт-шароитлар ўрганиб чиқилганида қонунга ёки қонун ижросига путур етказадиган, унга риоя қилишга тўсқинлик қиладиган омилларни оилалардан ишлаш лозимлигини кўрсатмоқда²

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64-моддада “Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар”³

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 96-моддасига биноан “Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар ғамхўрлик қилишга мажбур”лиги кўзда тутилган. Ушбу норма ҳар инсонни ўз Ватани, оиласи, ота-онаси ва фарзандлари олдидаги бурчини англаб етишини билдиради. Ўз навбатида мазкур норманинг амалдаги ижросини таъминлаш, қолаверса, узвий давомийлигини сақлаш юзасидан алимент мажбуриятлари ихтиёрий, келишув ва суд йўли билан амалга оширилишини назарда тутати.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 65-моддасида “Фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади”.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5005-сонли Фармони.

² Ш.М.Ҳикматов. Аёл, оила ва жамият. Илмий-амалий конференция материаллари. –Т., 2007. 29-б.

³ Ўзбекистон Республикаси конституцияси электрон манбаа Lex.uz sayti <https://lex.uz/docs/20596>

Ушбу раҳбарий қоида мазмунида фарзандлар манфаатининг устуворлиги ётади, шунинг учун оила қонунчилигида боланинг насл-насаби, фуқаролиги ва миллатини белгилаш билан боғлиқ масалаларни ҳуқуқий тартибга солувчи ва бу борадаги муаммоларни ҳал қилишга қаратилган оталикни белгилаш, оталикка эътироз билдириш, алимент ундириш каби фуқаролик ишлари суд амалиётида мазмунан кўриб чиқилмоқда ва бузилган ҳуқуқ ва манфаатлар ўз вақтида баргараф этилмоқда

Криминологик тадқиқотлар кўпгина оилада фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаганларнинг ота-оналари болаларга тўғри ҳуқуқий тарбия беришни билмаганлари ёки бу ҳақда ўйламаганлари, натижада баъзи бир оилаларда болаларга ғамхўрлик кўрсатишмагани, уларнинг хулқ-атворини назорат қилишмагани, уларнинг ташқи алоқалари билан қизиқишмаганини кўрсатади. Ҳолбуки, оилада фарзанд тарбиясида ота-она ва уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг бепарволиги, назорат қилмаслиги, уларни спиртли ичимлик, тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишига эътборсизлиги ёхуд жалб қилиши, турли ахлоқсизликлар ва тиланчилик билан шуғулланишга жалб этиш ҳолатлари учраб туришини жиноятчиликка қарши кураш амалиёти тасдиқлайди. Криминолог олимлар М.М.Бобоев ва Г.М.Миньковский маълумотларига кўра, вояга етмаган жиноятчилар тарбияланган оилаларнинг тўртдан уч қисмида ана шундай тарбия берилган⁴ оилада ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг фарзанд тарбияси билан шуғулланмаслиги уларнинг турли ғайриижтимоий салбий ҳуқуқбузарликларни содир этишига олиб келиши мумкин экан.

Бу ҳолат оилада тарбияланаётган фарзандлар онги ва тасаввурига салбий таъсир кўрсатади. Бундан ташқари шуни унутмаслик лозимки, инсон хулқ-атворининг шаклланиши, кўп жиҳатдан оиладаги муҳит таъсирига боғлиқ бўлиб, оиладаги болаларнинг катталарга тақлид қилиши асосида ривожланиб боради. Шу нуқтаи назардан, оилада зўравонликнинг мавжудлиги, яъни ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан фарзандларга нисбатан жисмоний, руҳий, жинсий ва бошқа шаклда содир этилаётган зўравонликлар шароитида ўсаётган болалар тарбияга бефарқ бўлиб, қолади, мактаб ишларига қизиқмайди, аксинча зўравонлик ҳолатлари акс этирилган фильмларни қизиқиб томоша қиладилар ва бундай фильмларнинг қаҳрамонларига ўхшашга тақлид қиладилар.

Шахсга салбий таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш ва уларни атрофлича таҳлил қилиш шахснинг ғайриижтимоий салбий шаклланишининг олдини олишга хизмат қилади. В.Н.Кудрявцев айтганидек, ғайриижтимоий салбий хулқ-

⁴ Абдурасулова Қ.Р. Криминология. / Дарслик. Проф. Рустамбаев М.Х. умумий таҳрири остида. –Т., 2008. –Б. 74.

атвор шахсинг хулқ-атвори ва қонун талаблари ўртасида муттасил равишда кескинлашиб боровчи ва очиқ-ойдин низога айланувчи ҳар хил қарама-қаршилиқлар асосида вужудга келади ва ривожланади⁵. Баъзида бир шахсинг иккинчи бир шахсга нисбатан жисмоний куч ишлатиши шахсинг хулқ-атвори билан боғлиқ бўлади⁶

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5005-сонли Фармони.
2. *Ш.М.Ҳикматов*. Аёл, оила ва жамият. Илмий-амалий конференция материаллари. –Т., 2007. –29-б.
3. Ўзбекистон Республикаси конституцияси электрон манбаа Lex.uz sayti <https://lex.uz/docs/20596>
4. Абдурасулова Қ.Р. Криминология. / Дарслик. Проф. Рустамбаев М.Х. умумий таҳрири остида. –Т., 2008. –Б. 74.
5. Кудрявцев В.Н. Причины правонарушений. – М., 1976. –Б. 124.
6. *Мирович С.М.* Криминологическая типология личности корыстно-насильственных преступников // Вестник МГУ. — Серия 11. — Право. — 1991. — № 3. — С. 91.

⁵ Кудрявцев В.Н. Причины правонарушений. – М., 1976. –Б. 124.

⁶ *Мирович С.М.* Криминологическая типология личности корыстно-насильственных преступников // Вестник МГУ. — Серия 11. — Право. — 1991. — № 3. — С. 91.